



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
28 февралдаги «Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришни
молиялаштириш тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ҚК-3574-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҚК-3574-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҚАРАР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҚК-3574-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридagi қарори билан куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг:

2018 йил 1 мартдан бошлаб ишлаб чиқарувчиларнинг рентабеллиги ошишини ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришни таъминлайдиган навлар ва класслар бўйича пахта хомашёси ва бошоқли дон хариди юзасидан қаролатилган давлат нархларини белгилаш;

тулрок унумдорлиги паст ва охирти 3 йил мобайнида ҳосилдорлик ректарига 15 центнергача бўлган ерларда пахта хомашёсига давлат бюорғмасини жойлаштирмаелик тўғрисидаги тақлифлари маъқулланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлиқларининг тақлифлари асосида ушбу бандга мувофиқ бўшайдиган ерларда кишлоқ хўжалиги экинларини, энг аввало, озуқа ва мойли экинларни жойлаштириш, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида икки ҳафта муддатда Ҳукумат қарорини қабул қилиши топширилганлиги;

б) Куйидагилар:

Пахта хомашёси ва бошоқли дон учун узли-кесил ҳисоб-китоблар ҳосил йиғиштириладиган йилнинг охиригача тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши; кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ва автомобильларга ёнилги куйиш шохобчаларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш учун дизель ёқилғиси ва ЭЖО дизель ёқилғисининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган яғона чакана нархлари 2018 йил охиригача бўлган даврда амал қилиши;

минерал ўтиларни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган алоҳида шартлар ҳисобга олинган ҳолда биржа савдоларида амалга оширилиши;

фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари томонидан истеъмол қилнадиган электр энергияси қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қолланиши белгилаб куйилганлиги;

в) Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжалиқларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳосил бўлган қарзларини, шу жумладан, ички тармок қарздорлиги ҳамда боджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзларини тўлаш муддати ҳисобланган пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилган ҳолда 3 йил муддатга узайтирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштирилган фермер хўжалиқларининг боджет, давлат мақсадли жамғармалари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳосил бўлган қарзлари, шу жумладан, ички тармок қарзлари бир ой муддатда ялли хагловдан ўтказилишини, шунингдек, уни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш топширилганлиги;

р) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жаанармасини Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) айлантириш ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфига бериш;

пахта толасига жаҳон нархларининг кескин пасайиши эҳтимоли учун пахта толасига прейскурант ва жаҳон нархлари ўртасидаги ижобий тафовут суммаси ҳисобига Жамғарманинг сугурга ҳисоб рақамини шакллантириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилганлиги;

д) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғитлар сотувчи корхоналар учун 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ягона солиқ тўлови ставкаси 2 фоиз миқдорда белгиланганлиги;

е) Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан олиб келинадиган фосфорли ўғитлар, шунингдек, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган фосфорит хомашё 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан озод қилиниши, божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустафо эканлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бир ҳафта муддатда: «Агрообанк» АТБга давлат харидларининг назарда тутилган ҳаққиларидан ортиқча бошқоғи дон етиштирувчи фермер хўжалиқларига кредитлар ажратиш учун йиллик 5 фоиз ставка бўйича депозитга 150 млрд. сўм миқдорда йиллик 10 фоизгача ставка бўйича маблағлар жойлаштирилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетида паст хоолиши ерларда пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарарқунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда хоолининг сакланиши бўйича харажатларни қоплашга республика бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳисобига 100 млрд. сўм миқдорда маблағлар шакллантирилишини таъминлаш топширилганлиги;

з) Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ақлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлиқлар ва идорадар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар юзасидан икки ҳафта муддатда тақлифлар киритиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги туманлар ҳокимлиқларининг тақлифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарорининг 1-бандига мувофиқ бўлайдиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини, энг аввало, озуқа ва мойли экинларни жойлаштириш, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида бир ҳафта муддатда Вазирлар Кенгашига қарор лойиҳасини киритсин.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Ақлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлиқлар ва идорадар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тегишли ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар юзасидан икки ҳафта муддатда тақлифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ж.Ҳожаевтов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

Қ.Сариев